2017 йил 15 февраль, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (13.365)

Баҳоси эркин нархда

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

**2017 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимуҳамедовни Туркманистон Президенти сайловидаги юксак ғалабаси билан самимий табриклаб, давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқотда сайлов натижалари Туркманистонда халқ фаровонлигини юксалтириш, мамлакатни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур ўйланган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларга туркман халқи юксак ишонч билдираётгани ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлаётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлгани қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр алмашдилар. Туркманистон фаол ташқи сиёсат юритаётгани ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг ташаббуслари халқаро майдонда муваффақиятли амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар давлатлараро муносабатлар турли даражаларда сезиларли миқёсда фаоллашгани, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Томонлар Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукумат делегацияларининг амалий ташрифлари якунларини, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги ҳамкорликни ижобий баҳоладилар.

Давлат раҳбарлари икки қардош мамлакат ўртасида амалий ва очиқ мулоқотни жадал ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини тасдиқлаб, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар самарадорлигини янада ошириш учун мавжуд улкан салоҳиятни тўла ишга солишга тайёр эканини билдирдилар.

Мулоқот якунида Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимуҳамедовга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли давлат раҳбари лавозимида улкан ютуқлар, Туркманистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

Суҳбат давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги мулоқотга хос бўлган самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Термизий халқаро марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш;

юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш;

турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш;

Имом Термизий ва термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

маънавий меросимизни ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишга доир тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш.

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда бир ой муддатда Марказнинг тузилмаси ва Низомини тасдиқлаш, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, "Даварахитекткурилиш" қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Марказ биноси ва унинг кутубхонасини қуриш, зарур моддий-техник база ва инфратузилмаларни барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Марказ фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Термизий ёдгорлик мажмуаси, ҳомийлик хайриялари ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро диний-илмий марказларнинг маблағ ва грантлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

5. Маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларига йўналтириладиган маблағлари учун Марказнинг ҳисоб рақами очиқ экани қайд этилсин.

Марказни ташкил этиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан озод қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 14 февраль*

***Мамлакатимизда эркин, фаровон ва демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида кенг қамровли ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Бунда асосий вазифа – халқ билан мулоқот қилиш, инсон манфаатларини таъминлаш, тинчлик ва фаровонликни янада мустаҳкамлаш, аҳолини ҳаётдан рози қилишдан иборат. Ушбу мақсадларга эришиш маданият, санъат, бадиий ижод, журналистика ва спорт соҳалари тараққиёти билан ҳам чамбарчас боғлиқ.***

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





## ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ – ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОМИЛИ

Бу жиҳатлар 14 февраль куни "Истиқлол" санъат саройида мазкур соҳаларда салмоқли ютуқ ва муваффақиятларга эришган бир гуруҳ ижодкорлар ва спортчиларни "Эътироф – 2016" мукофоти билан тақдирлаш маросимида ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган "Эътироф" мукофоти мумтоз қўшиқ, миллий эстрада, рақс санъати, жаҳон мусиқа мероси, театр ва кино санъати, адабиёт, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, журналистика каби йўналишларда соҳа равнақига ҳисса қўшаётган, изланиш ва ютуқлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, миллий маданиятимиз ва санъатимизни дунё миқёсида кенг тарғиб этаётган ижодкорлар фаолиятини халқимизга яқиндан таништириш имконини бермоқда. Бу йил мукофотга номзодлар "Театр, кино ва оммавий томошалар", "Эстрада, анъанавий, опера хонандалиги, мусиқа ижрочилиги ва рақс санъати", "Тасвирий ва амалий санъат", "Бадиий ижод, журналистика ва телевидение", "Спорт", "Эътибор, эҳтиром, эъзоз" йўналишларида қирқ тўққиз номинация бўйича аниқланди.

..."Истиқлол" санъат саройи байрамона безатилган. Чорлов мусиқаси янграйди. Замонавий ва мумтоз куй-қўшиқлар томошабинларни оҳанрабодек ўзига жалб этади.

"Эътироф" мукофоти билан тақдирлаш маросими уч йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Бу йил илк бор ҳар бир йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати номзодларга онлайн овоз берди. Бу – ғолибларни аниқлаш жараёнини томошабинлар кўз ўнгида очиқ ва ошкора ўтказиш, бу борада турли нохолисликлар ва бирёқлама ёндашувларга йўл қўймаслик мақсадида ташкил қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида ижтимоий соҳани ривожлантириш, жумладан, болалар спортини янада оммалаштириш, янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асос солган миллий ўзликни англаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугун катта ғайрат-шижоат билан изчил давом эттирилмоқда. Куни кеча халқимиз буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигини кенг нишонлади. "Эътироф" мукофоти соҳибларини тақдирлаш маросими яна бир буюк аждодимиз – улуғ шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллигига тўғри келгани бежиз эмас.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАРИНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМ

***Ўсмирлик – инсон ҳаётининг энг гуллаган, айни пайтда ўта масъулиятли даври. Психология, социологияга оид тадқиқотларда ўсмирлар руҳияти, қизиқишлари, оилавий муносабатлари алоҳида масала сифатида ўрганилади.***

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг "Ўсмирлар ўзи ва оиласи ҳақида" мавзуидаги тадқиқотида шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Тадқиқотдан мақсад мамлакатимизда бола тарбияси, ўсмирларнинг фойдали меҳнатга жалб этилиши, уларнинг ватанпарварлик туйғусини оширишда оиланинг ролини аниқлаш эди. Бу ёш авлоднинг руҳий, маънавий камолотида оила, жамият ва таълим даргоҳи ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий тадқиқотда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 12-16 ёшли ўғил-қизлар иштирок этган. Унда қатнашганларнинг аксарияти ота-она иштирокидаги оилада камолга етаётганини билдирган. Бу ҳолат ўсмирларнинг маънавий-интеллектуал ва жисмоний камолотига сезиларли таъсир этиши, уларнинг ҳаётий ва таълим олишдаги эҳтиёжлари қондирилиши, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбияланишида етакчи омил экани кўрсатилган.

Тадқиқот жараёнида ота-оналар фарзандларининг муаммолари, ўқиши, ўқишдан ташқаридаги ишларига қизиқишлари, ғамхўрлик қилишлари ўрганилган. Иштирокчилар оиласидаги муҳит, тартиб-қоидалар, ота-оналарининг ўзаро муносабатларини ўзларига намуна, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот доирасида ўсмирларнинг ўқув даргоҳига муносабати, баҳолаш тизими, ўқитувчилар билан муомаласи, таълим масканидаги ўқув-тарбиявий жараён ҳам ўрганилган. "Мактабингизни яхши кўрасизми?" деган саволга уларнинг 90,9 фоизи ижобий жавоб берган. Сўров натижалари ёшларнинг ўз мактабини қадрлаши ва яхши кўриши, мактабдаги билим, ҳаётий кўникма ва малакалар уларнинг келажагига пойдевор бўлишини кўрсатди. Мактаб вақтни мазмунли ўтказиш маскани экани ҳам эътироф этилган.

Мамлакатимиз ўсмирлари ўқишни ҳаётий зарурат, деб ҳисоблайди. Коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттиришни истайди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги ўн кунлик ўрганишининг натижалари халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда фаоллари иштирокида муҳокама қилинди.**

**• Термизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгашининг 2016 йил фаолияти якунлари ва 2017 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишланган пленуми ўтказилди.**

**• Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллигига бағишлаб "Бобур асарлари билимдони" танлови ўтказилди. Туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан ташкил этилган танловнинг якуний босқичида Бобур асарларининг 36 билимдони иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Қалин қор ёғиши туфайли Бостон шаҳрида мактаб ўқувчиларининг дарслари бекор қилинди.**

**• АҚШнинг "Ford" автомобилсозлик компанияси Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиш режаси туфайли 2016 йилда 600 миллион АҚШ доллари йўқотди. Бунга асосий сабаб эса фунт стерлингнинг қадрсизланганини бўлди, деб айтилмоқда. Чунки Буюк Британияда "Ford"нинг двигателлар ишлаб чиқарадиган иккита заводи фаолият юритади. Шу тариқа валюта қийматининг пасайиши даромад микдорининг камайишига сабаб бўлган.**

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 2 февралдаги "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори халқимиз томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди.***

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

# ҲАЁТИДАН РОЗИ ХАЛҚ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида "Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади", деб таъкидлади.

Президентимизнинг мазкур қарори ушбу сўзларнинг амалий тасдиғи сифатида, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлаш, одамлар билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш, халқимизни рози қилиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Қарорда пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш, аҳолига товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратишга доир қатъий чоралар белгиланган.

Мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларидаги савдо шохобчаларида пластик карточкалар ёрдамида ягона тартибда банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи замонавий банк технологиялари ўрнатилган. Пластик карточкалар, тўлов терминаллари ва бошқа жиҳозларни юқори даражада ҳимоялаш бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатилган.

Аммо молиявий муносабатларнинг эркинлашаётгани, савдо ва хизмат кўрсатиш тизими тобора такомиллашаётгани иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни асоссиз равишда пластик карточкаларга ўтказавериш керак дегани эмас. Юртимизнинг баъзи тоғли ва олис ҳудудларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари тўлиқ тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар билан таъминланмаган. Терминаллар ўрнатилган баъзи шохобчаларда эса товар ва хизматларнинг нархини асоссиз равишда ошириш ҳоллари учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ишга тушганидан буён унга иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўламаслик, тўловларни пластик карточкаларга асоссиз равишда ўтказиш ҳолатлари кўпайгани, тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмагани бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушган.

Президентимиз қарорида 2017 йил февраль ойидан бошлаб, фуқароларга барча турдаги пенсиялар, 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланди.

– Тоғли ҳудудда яшаганимиз боис ҳадеганда шаҳарга тушаверишга вақтимиз ҳам, имконимиз ҳам бўлавермайди, – дейди бахмаллик Шерали Халилов. – Аммо деярли ҳар куни рўзғорга ул-бул нарса зарур бўлиб туради. Қишлоғимизда кичик дўконлар, хўжалик маҳсулотларини ўзидан орттириб бозорга олиб чиқадиган деҳқонлар кўп. Зарурат туғилганда улар мушкулимизни осон қилади. Мева-чева, полиз маҳсулотлари, кундалик турмуш учун керак бўлган нарса-буюмларни улардан сотиб оламиз. Бироқ, масала шундаки, уларда тўлов терминаллари йўқ. Устига-устак, тоғли ҳудуд бўлгани сабаб, гоҳ шамолдан, гоҳ бўрондан симлар узилиб, терминаллар ишламай, нақд пулда савдо қилишимизга тўғри келади. Президентимизнинг қарорига мувофиқ, энди иш ҳақимизни тўлиқ нақд пулда оладиган бўлдик. Бу ҳаётимизнинг янада фаровонлашишига хизмат қилади.

Халқимиз ёши улуғ инсонларни юксак қадрлайди. Кўча-кўйда кўрса, қўлини кўксига қўйиб, салом беради, давраларда тўрга ўтқазади. Президентимизнинг янги қарори халқимизга хос ана шундай эзгу фазилатларнинг, кекса авлод вакилларига бўлган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

– Давлатимиз раҳбарининг қарорини ўқиб, жуда хурсанд бўлдим, – дейди пойтахтлик Шофайз ота Турсунов. – Негаки, биз, кексалар ўз пенсиямизни нақд шаклда олсак, оғиримиз енгил, узоғимиз яқин бўлади. Ўзим ўқитувчиликдан пенсияга чиққанман. Кийим-кечак дейсизми, озиқ-овқат, мева-чева дейсизми, барча рўзғор харидларини бозордан олишга одатланганмиз. Бозорда деҳқоннинг ҳар бири терминал кўлтиқлаб юрмаслиги ўзингизга маълум. Невараларим баъзан пул сўраб чопиб келишганда ҳам ўйланиб қолардим. Ёш болага пластик карточкани ишониб бўлмаса! Эндиликда бу каби муаммолар туғилмайди. Бу ҳам нуронийларимизнинг ҳаётдан рози ва хурсанд бўлиб яшашига хизмат қилади.

Президентимиз қарори тараққиётимиз таянчи, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муҳим ҳужжатда олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда тўланиши белгиланган.

– Стипендиямизнинг ярми нақд шаклда берилиши тўғрисидаги Президентимиз қарорини ўқиб, биз, талабалар жуда қувондик, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Диёр Мавлонов. – Энди қалам, ручка, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари сотиб олиш учун катта-катта дўконлар, супермаркетларни айланиб, вақтимизни кетказиб юрмаймиз. Университетимиз ҳудудида жойлашган кичик савдо шохобчаларидан нақд пулга харид қилаверамиз. Бизни тушунган, билим олишимиз учун кенг шароитлар яратган Президентимиздан миннатдормиз.

Қарорда юқорида қайд этилган масалалардан ташқари, ҳудудларда шаклланган иш ҳақини нақд шаклда ҳамда пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашдаги нисбатлар танқидий қайта кўриб чиқиш белгиланган. Бу жараёнда одамлар ўз иш ҳақидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмаслиги ва ўзларига керакли товар ва хизматларни эркин харид қилишлари учун мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмаси ҳисобга олинади.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши Бош прокуратура томонидан қатъий назоратга олинади.

Ҳа, одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини янада мустаҳкамлайди. Уларни Ватанимиз равнақи, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида бор куч ва салоҳиятидан фойдаланиб яшашга, ишлашга ундайди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Яккасарой тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш марказининг 2016 йил 19 декабрдаги КС-05-746-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Яккасарой туманида 2017 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

Туман Бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Ш.Абдуллаева):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (И.Алимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яккасарой тумани тармоқ администратори (Ш.Ахмаджонов ):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yakkasaroy.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в-б Н.Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Яккасарой тумани ҳокими**
**С.Махаметов**

*2017 йил 6 февраль*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

# ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ – ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОМИЛИ



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Алишер Навоий ҳам, Бобур ҳам давлат бошқарувидаги фаолиятида оддий одамлар билан доимий мулоқот қилиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишни ўзининг олий мақсади, ҳаёт мазмуни санаган, бу борада неча-неча авлодларга ўрнак ва ибрат бўларли буюк мерос қолдирган. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси асосида мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда янги, замонавий, самарали ва қулай тизим – Халқ қабулхоналари институтига асос солингани улуғ аждодларимизнинг комил инсон, мукаммал жамият ҳақидаги асрий орзу-интилишларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

...Ҳакамлар ҳайъати турли номинациялар бўйича онлайн овоз беришни бошлади. Муносиб номзодларни танлаш борасида баҳс-муҳокамалар қизғин тус олди.

Ниҳоят дастлабки номинациялар бўйича ғолиблар номи эълон қилина бошланди. Зални гулдурос олқишлар тутди.

– Етмиш ёшни қаршиладим, 16 ёшимдан бери миллий чолғулар ясайман, гапнинг очиғи, бугун шу анжуманга таклиф этилганимда ҳам мукофотланишимни кутмагандим, одам ўз касб-ҳунарини севиб, завқ билан ишласа, меҳнатингнинг қадрига етишаркан, – дейди ЎзА мухбирига "Йилнинг энг моҳир ҳунарманди" номинацияси ғолиби Раҳматилла Зокиров. – Қўлимдаги "Эътироф" статуэткасига қаранг: Ер шарида Ватанимиз харитаси, унинг самосида турна парвозга шайланмоқда. Бу тинч-тотув, фаровон мамлакатда қадриятлар қадр топиши, уста-ҳунармандлар илҳом ва ижод завқи билан меҳнат қилишини ифодалайди.

– Бугун кўплаб давлатларда театр санъати ўз ўрнини шоу-бизнесга бўшатиб бераётган бир пайтда ўзбек саҳна санъатига талабу эҳтиёж ортиб бормоқда, – дейди "Йилнинг энг яхши театр актёри" номинацияси ғолиби, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов. – Бу мукофот бундан кейин янада катта куч-ғайрат билан изланишга, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқишда бизга чинакам илҳом, рағбат ва маънавий қувват бўлади.

Тантанали кечада турли номинациялар бўйича совриндорларга "Эътироф – 2016" мукофотининг статуэткаси ва дипломи топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт дастури кечага файз бағишлади.

**Умид ЁҚУБОВ**

***Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ислоҳотлар самарадорлигини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни юксак даражада таъминлашга эришиш мақсадида 2017 йил 10 февралда бешта устувор йўналишни ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси" тасдиқланди. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишининг тўртинчи банди таълим ва фан соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган.***

# МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач инсон ҳуқуқлари юксак даражада таъминланадиган, қонун устуворлиги ҳукмронлик қиладиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни ўзининг пировард мақсади сифатида белгилаб олди. Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини тўла қарор топтиришни ёшларимизнинг таълим-тарбиясисиз, уларнинг билими, интеллектуал салоҳиятисиз, она Ватанга садоқатли баркамол шахс сифатида камол топтирмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Ёхуд, бошқача айтганда, Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, биринчи навбатда болаларимизнинг қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига, фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир.

Демак, бизнинг пировард мақсадимиз ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мактаб парталарида ўтирган фарзандларимизнинг одоби, билими бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу боғлиқликнинг аҳамиятини аҳоли онгига тўла сингдирмасдан, халқимиз онгида мактабни муқаддас даргоҳ сифатида шакллантирмасдан туриб пировард мақсадимизга эришиш қийин. Шу сабабдан, мустақиллик йилларида ёш авлодни баркамол ва билимли қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган таълим тизимига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода, ушбу эзгу-ниятларга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси" муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясига кўра, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастури ишлаб чиқилади, ушбу дастур ижросини таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинади, қарорда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг мустақиллигини босқичма-босқич ривожлантириш, миллий кадрларни рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим тизимининг сифатини оширишни такомиллаштириш назарда тутилади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланишича, мактабгача таълим муассасаларининг 106 таси реконструкция қилинади ва 195 таси капитал таъмирланади, улар мебель ва бошқа инвентарлар билан таъминланади, яъни мамлакатимиздаги 301 та мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши болаларимизни умумий ўрта таълим муассасаларига мукаммал тайёрлаш, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини ўз вақтида аниқлаш, онгини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясида умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимиз тараққиётининг 15-20 йиллик истиқболини белгилаб берадиган ушбу тарихий стратегик ҳужжатга биноан 2017 йилда 367 та умумтаълим мактабларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, хусусан, 9 та янги мактаб қурилади, 268 та мактаб реконструкция қилинади, 90 та мактаб капитал таъмирланади, мактаблар ўқув мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминланади ва бу билан ўқувчиларнинг таълим олишлари ва ўқитувчиларнинг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратилади, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқув синфлари ва гуруҳларидаги ўқувчиларнинг сонини оптималлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга эришилади.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида инклюзив таълим тизими самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ногирон болаларни зарур махсус адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминлашни қамраб олувчи инклюзив таълим тизими янада ривожлантирилади, инклюзив таълим тизими ўқитувчиларига имтиёзлар кўлами кенгайтирилади, жисмоний имконияти чегараланган талабаларга олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятлари янада кенгайтирилади, ногирон болаларни уйида таълим берадиган ўқитувчи-педагогларнинг ишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, унда вилоятлардаги олий таълим муассасалари учун илмий-педагогик кадрлар заҳирасини яратиш мақсадида таянч олий таълим муассасаларида магистратура ва докторантурага мақсадли қабул квоталари жорий этилади, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари учун илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун шароитлар яратиш масаласи ҳал этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси" мамлакатимиз умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув жараёни сифатини янада яхшилашга, таълимнинг барча турлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва боғлиқликни янада кучайтиришга, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантиришнинг турли хил мезонларини янада такомиллаштиришга, таълимга оид давлат талабларини қайта яратиш ва унинг асосида замонавий ўқув дарсликлари ва қўлланмалар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратишга, педагог кадрларнинг ўз устиларида мунтазам ишлашлари ҳамда доимий равишда малакасини ошириб боришларига, пировардида бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши таълим тизимини янада ривожлантиришга, уни дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган миллий тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисмига айланишига, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратишга хизмат қилади.

**Муҳаммади УСМОНОВ,**
**А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ профессори,**
**юридик фанлари доктори**

# ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАРИНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тадқиқот натижаларига кўра, ўсмирларнинг 43,7 фоизи ўқув адабиётини ўқиш билан чекланар экан. Ҳар ўн иштирокчидан бирининг тан олишича, ўқув адабиётидан бошқа китоб ўқимайди. Қатнашчиларнинг ярми (ўғил болалар) кўпинча тенгдошлари билан суҳбат қуриш, компьютер ўйнашни афзал билади. Тадқиқот хулосасига кўра, аҳолини, айниқса, ёшларни миллий ва жаҳон классик асарларини ўқишга тарғиб қилишнинг янги усул ва воситаларини шакллантириш тақозо этилади.

Тадқиқот жараёнида ўсмирларнинг мақсад ва интилишлари ҳам ўрганилди. Ўрта ва юқори синф ўқувчиларининг деярли ҳаммаси (97,7 фоиз) ҳаётдаги мақсади ва келажакдаги режаларини белгилаб олган.

Ҳар икки ўқувчидан бирининг ҳаётдаги идеали, қаҳрамони уларнинг ота-онаси экани аниқланди. Ўзбекистон ўсмирлари ўқитувчилари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари, фан ва маданият намояндаларига ўхшашни истайди. Иштирокчиларнинг ўндан бири спортчи ва тиббиёт ходимларига меҳр қўйган.

Ёшларнинг аксар қисми ўзларини ватанпарвар, деб билади. Уларнинг фикрича, Ватанга муҳаббат унга хизмат қилиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аждодлар меросини асраш, тарихи ва маданиятини билиш демакдир. Ватанни севишнинг энг олий кўриниши – уни ҳимоя қилишга ҳамиша шай туриш, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий сўров оила ва оилавий қадриятлар жамият, маънавият, миллий анъана ва урф-одатларнинг негизи эканини яна бир бор исботлади. Ўсмирларнинг 93,7 фоизи оила энг севимли ва яқин инсонларнинг иттифоқидир, дея хулоса берган. Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда замонавий фикрловчи, ҳаётга муҳаббати кучли, аниқ мақсадли ва энг асосийси, ўзига ишонган янги авлод шаклланаётганини кўрсатди.

**"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида**
**ЎзА мухбири**
**Севара АЛИЖОНОВА тайёрлади**

***Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир, шоир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда.***

# МАНГУ ИБРАТ ТИМСОЛИ

Юнусобод туманидаги 302-мактабда ўтказилган тадбир ҳам айни шу мавзуга бағишланди. "Аждодларни ёд этиб" деб номланган адабий-бадиий кечада ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларнинг маънавиятини янада юксалтиришда бадиий асарларнинг ўрни ҳақида сўз борди.

Маънавиятни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг ўрни беқиёсдир. Алишер Навоийнинг бадиий ва илмий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Бобур ижодида инсонни комилликка ундовчи маънавий фазилатлар тараннум этилган. Хусусан, унинг лирик шеърлари, машҳур "Бобурнома" асари, аруз назариясига оид "Рисолаи аруз", калом ва фиқҳ масалалари баён этилган "Мубаййин" сингари рисолаларининг аҳамияти янада ортмоқда. "Хатти Бобурий" адибнинг юксак заковати далилидир. "Бобурнома" асарида шоирнинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари, айниқса, унинг ижодида бош мавзу бўлган ватанпарварлик, инсонпарварлик каби эзгу ғоялар ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Ўттиздан ортиқ тилга таржима қилинган бу асарнинг тарихий ва бадиий қиймати шу нуқтаи назардан ҳам ғоят қадрли. Ушбу юксак фазилатларни ўрганиш ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактабидир.

Интернет ва бошқа коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш педагоглар олдида турган муҳим вазифадир. Ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, аввало, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади, бу эса бутун жамият, қолаверса, келажак учун нечоғли аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Тадбирда Бобур рубоий ва ғазалларидан намуналар ўқилди, шоир асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

**Ёқутхон ҚАЮМХЎЖАЕВА,**
**Юнусобод туманидаги "Дилнур" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси**

# КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЮРТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

***Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларга турли касб-ҳунар сирларини ўргатиш, қизиқишларига кўра мактабда олган билимларини ривожлантириш, амалиётда мустаҳкамлаш, иқтидору истеъдодларини намоён этишга кўмаклашиш мақсадида "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолият юритмоқда.***



Миробод туман "Баркамол авлод" болалар маркази ҳам ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида фаолият юритиб келмоқда. 2014 йилда "Баркамол авлод" болалар маркази умумий таъмирдан чиқарилиб, ўқувчилар ҳунар ўрганишлари учун барча шароитлар яратилди.

Марказда 30 га яқин турли йўналишлардаги бадиий ва техник тўгараклар фаолият олиб боради. Бугунги кунга келиб кўплаб ўқувчи-ёшлар ушбу тўгаракларга фаол қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари марказда мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, вояга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларига кўра турли тўгаракларга жалб этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, "Майда пластика", "Бошланғич техник моделлаштириш", "Тўқиш", "Бичиш-тикиш", "Инглиз тили", "Рус тили", "Фольклор рақс", "Фольклор вокаль", "Ёш журналист ва нотиқ", "Ёш пазанда" ва шу каби қатор тўгараклар мана шу хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, марказдан узоқда жойлашган туман мактаблари билан ижодий ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, ўқувчи-ёшлар учун турли йўналишдаги тўгараклар ташкил этилган.

Марказда барча тадбирларнинг катта тайёргарлик ва юқори савияда ўтказилиб келинишини таъкидлаш жоиз. Яқинда марказда шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг таваллуд айёмларига бағишлаб ўтказилган "Сўз мулкининг султони" деб номланган мушоира кечаси ҳам шулар жумласидандир.

Мушоира кечасида сўз олганлар бундай тадбирлар замирида энг аввало ёшларимиз онгида Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, Навоий ва Бобур каби буюк аждодларимиз тимсолида комилликка бўлган интилишларини юксалтириш ғоялари ётиши, буюк бобокалонларимиз ижодига бўлган меҳр-муҳаббатларини янада ошириш асосий мақсадлардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда халқимизнинг севимли ижодкорлари, қатор шеърий китоблар муаллифи, шоир Икром Отамурод ҳамда "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Сирожиддин Рауф, "Маърифат" газетасининг бош муҳаррири, журналист Абдусамат Раҳимов ҳамда Миробод туман прокурори катта ёрдамчиси Зарифа Мавлоновалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан бири ёшларнинг жамиятимизда фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта эгаллаган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қаратилган, — дейди Миробод туман "Баркамол авлод" болалар маркази директори Комил Улуғов. — Ёш авлод жамиятимизнинг асосий бўғини бўлиб, уларни тарбиялаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, энг муҳими уларнинг бўш вақтини самарали меҳнатга сарф этиш мактабдан ташқари таълимнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Барча шарт-шароитлар яратилган ҳолда фаолият юритаётган марказнинг келгусидаги режаларига ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз.

**Зарина РУСТАМОВА**

# МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ УЛУҒ СИЙМОЛАРИ

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда ҳазрати Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллигига бағишланган "Темурийлар даври маънавий меросининг сиймолари" мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.***

Унда "Алишер Навоий асарларида ворисийлик анъанаси", "Навоий ва Бобур асарларининг тасвирий санъат тараққиётига таъсири", "Мирзо Бобур – тилшунос олим" мавзуларида илмий-маърифий давра суҳбати, "Миниатюраларда тарих тасвири" мавзусида расмлар кўргазмаси, таниқли актёрлар иштирокида Пиримқул Қодиров қаламига мансуб "Юлдузли тунлар" романи асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида "Боласиман Ўзбекистонни" деб номланган танлов ташкил этилди.***

Унда туманда жойлашган 4 та академик лицей ҳамда 12 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда туман Сардорлар Кенгаши аъзоларидан иборат жамоалар қатнашди. Танловда иштирокчи жамоа ўзи учун Ватан тинчлиги, озодлиги ва эришаётган ютуқларимизни тараннум этган ўзбек эстрадаси хонандаларининг қўшиқларини танлаб, унга мос саҳна кўриниши саҳналаштиришди. Шу билан бир қаторда танлов давомида жамоалар бугунги кунда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишга уринаётган гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва одам савдоси, четдан кириб келаётган "оммавий маданият" ва унга барҳам бериш борасидаги мавзуларга мурожаат этишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари жамоаларни баҳолашда асосий эътиборни танланган қўшиқ матнига, жамоа аъзолари томонидан воқеаларни ҳаётийлиги ва маҳорат билан ижро этилганлигига, иштирокчиларнинг актёрлик маҳоратига алоҳида эътибор қаратишди.

— Илк маротаба ташкил этилган танловда ёшларнинг таълим муассасаларидаги муаммоли вазиятлар орқали ўз иқтидорларини тўлиқ намоён этишларига имкон бердик, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Танлов давомида ёшларимизнинг одам савдоси, наркомания, гиёҳвандлик, кашандалик ва ичкиликбозлик, коррупция, диний ақидапарастлик каби салбий иллатларга қарши ўз мустақил фикрларининг борлигини кўрдик. Салбий иллатларга қарши курашиш борасидаги чиқишларини кўриб, ташкил этилган тадбирнинг ёшлар тарбиясида алоҳида ўрин касб этганлигига гувоҳ бўлдик. Шу билан бир қаторда танловда иштирок этган жамоа аъзоларининг Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги акс этган чиқишлари ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва томошабинларнинг алоҳида олқишларига сазовор бўлди.

Танлов якунларига кўра 1-ўринни Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар, Тошкент педагогика, Чилонзор педагогика коллежлари ҳамда Чилонзор туман Сардорлар Кенгаши аъзолари эгаллашди. Шунингдек, 2-ўрин 2-Тошкент юридик, Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежлари, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи жамоаларига насиб этди. 3-ўринга С.Сирожиддинов номидаги академик лицейнинг жамоаси лойиқ деб топилди.

Кўрик-танловда 1-2-3-ўринни эгаллаган жамоалар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Шунингдек, кўрик-танлов давомида мухлислар эътиборини қозонган жамоалар номинациялар бўйича алоҳида тақдирланди.

**Зиёда РАСУЛОВА**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман Суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

**I.** Юнусобод туман судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Автомото Ҳаваскор" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1."Камаз-5511" русумли, д/р 01/013NBA бўлган, 1984 йил и/ч, ранги хаворанг, бошланғич баҳоси – 16 178 943,924 сўм. 2."Зил-45021" русумли, д/р 01/025 NBA бўлган, 1990 йил и/ч, ранги кўк, бошланғич баҳоси – 9 673 262,325 сўм. 3. "Газ-322131-95" русумли д/р 01/819 СВА бўлган, 2006 йил и/ч, бошланғич баҳоси - 21 254 847, 273 сўм бўлган автотранспорт воситалари.

**II.** Юнусобод туман судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор туман, "Автомото Ҳаваскор" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1. "Газ-53А" русумли, д/р 10/742ТАА бўлган, 1980 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 885 947,877 сўм. 2. "Газ-5312" русумли, д/р 10/743ТАА бўлган, 1989 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 1 483 375,077 сўм. 3. "Газ-53А" русумли, д/р 10/744ТАА бўлган, 1980 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 5 746 971,762 сўм. 4. Трактор "МТЗ-80" русумли, д/р 5118 ЕР бўлган, 1984 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 6 289 186,878 сўм. 5. Трактор "МТЗ-50" русумли, д/р 5116 ЕР бўлган, 1977 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 4 827 560,570 сўм. 6. Трактор "МТЗ-80Л" русумли, д/р 5107 ЕР бўлган, 1987 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 6 203 809,278 сўм. 7. Гусеничный Трактор "Т-4АЛ-2" русумли, д/р 0820 ЕР бўлган, 1984 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 2 855 070,756 сўм. 8. Трактор "МТЗ-80V" русумли, д/р 5115 ЕР бўлган, 1990 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 5 535 959,895 сўм бўлган автотранспорт воситалари.

**III.** Бектемир тумани судининг 27.11.2013 йилдаги 1-316/2013-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 6-уй "Nerudnik" МЧЖ биносида сақланаётган, 1. "ВАЗ-21063" русумли, д/р 01/639 WBA бўлган, 1993 йил и/ч, ранги жигарранг, бошланғич баҳоси – 5 261 136,445 сўм. 2. "Дамас" русумли, д/р 01/238 DAA бўлган, 1994 йил и/ч, ранги кумушсимон кул ранг, бошланғич баҳоси – 8 494 423,443 сўм. 3. "Газ-5201" русумли, д/р 01/861 QCA бўлган, 1989 йил и/ч, ранги умумлаштирилган ранг, бошланғич баҳоси – 4 562 433,468 сўм. 4. "Зил-431412" русумли, д/р 01/762 QCA бўлган, 1987 йил и/ч, ранги умумлаштирилган ранг, бошланғич баҳоси – 9 046 682,973 сўм. 5. "МАЗ-5334" русумли, д/р 01/638 WBA бўлган, 1979 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 15 137 513,766 сўм. 6. "Камаз-5410" русумли, д/р 01/3001 АА бўлган, 1982 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 20 179 664,658 сўм. 7. "Камаз-5410" русумли, д/р 01/3002 АА бўлган, 1982 йил и/ч, ранги қизил, бошланғич баҳоси – 16 285 301,316 сўм. 8. "Газ-531201" русумли, д/р 01/763 QCA бўлган, 1987 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 7 972 369,524 сўм. 9. "Газ-51" русумли, д/р 01/864 QCA бўлган, 1960 йил и/ч, ранги кулранг, бошланғич баҳоси – 394 891,659 сўм. 10. "Газ-5204" русумли, д/р 01/865 QCA бўлган, 1985 йил и/ч, ранги кулранг, бошланғич баҳоси – 1 752 711,453 сўм. 11. "МАЗ-5551" русумли, д/р 01/866 QCA бўлган, 1989 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 16 735 703,076 сўм. 12. "АТ32,7-5201" русумли, д/р 01/764 QCA бўлган, 1990 йил и/ч, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 6 556 694,898 сўм. 13. "Камаз-5511" русумли, д/р 01/637 WBA бўлган, 1987 йил и/ч, ранги оловранг, бошланғич баҳоси – 20 187 914,886 сўм. 14. "Камаз-5511" русумли, д/р 01/635 WBA бўлган, 1987 йил и/ч, ранги оловранг, бошланғич баҳоси – 20 075 690,709 сўм. 15. "Газ-52" русумли, д/р 01/863 QCA бўлган, ранги ҳаворанг, бошланғич баҳоси – 3 197 370,447 сўм. 16. "Погрузчик ПК-33-01-00" русумли, д/р 49-89 ЕЦ бўлган, 2005 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 18 481 436,118 сўм. 17. "Кран ГУС МТТ-16" русумли, д/р сиз бўлган, 1982 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 15 332 900,076 сўм. 18. "Автогрейдер Д-398 В-2 ДЗ-122А" русумли, д/р 22-59 ТИ бўлган, 1989 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 14 823 315,171 сўм. 19. "Трактор К-700" русумли, д/р 85-65 ЕР бўлган, 1985 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 31 175 880,219 сўм. 20. "Эксковатор ЭКГ 5А" русумли, д/р сиз бўлган, 1988 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 111 027 672,315 сўм. 21. "Эксковатор ЭКГ 4,6 Б" русумли, д/р сиз бўлган, 1968 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 72 552 736,584 сўм. 22. "Бульдозер Т-130 М" русумли, д/р 95-73 ЕЦ бўлган, 1989 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 3 326 202,846 сўм. 23. "Бульдозер Т-130" русумли, д/р сиз бўлган, 1990 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 10 975 712,04 сўм. 24. "LEBBHERR A 924И" русумли, д/р 95-72 ЕЦ бўлган, 2006 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 99 849 549,42 сўм. 25. "Белаз-7522" русумли, д/р сиз бўлган, 1988 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 13 834 823,373 сўм. 26. "Бульдозер ДЗ 171-1" русумли, д/р сиз бўлган, бошланғич баҳоси – 11 392 020,972 сўм. 27. "Бульдозер Т-170" русумли, д/р 95-74 ЕЦ бўлган, 1991 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 11 193 392,529 сўм. 28. "Белаз-7540" русумли, д/р сиз бўлган, 2004 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 75 237 214,662 сўм. 29. "Белаз-7523" русумли, д/р сиз бўлган, 1998 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 24 265 455,318 сўм. 30. "Белаз-7523" русумли, д/р сиз бўлган, 1998 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 24 265 455,318 сўм. 31. "Белаз-7523" русумли, д/р сиз бўлган, 1988 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 24 107 725,98 сўм. 32. "Белаз-7523" русумли, д/р сиз бўлган, 1983 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 12 453 657,372 сўм. 33. "Белаз-7523" русумли, д/р сиз бўлган, 1998 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 24 148 094,526 сўм. 34. "Белаз-7523" русумли, д/р сиз бўлган, 1998 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 24 148 094,526 сўм. 35. "Занжирли эксковатор- ЭО 4111" русумли, д/р 13-19ЕК8 бўлган, 1988 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 16 011 976,041 сўм. 36. "Белаз-7522" русумли, д/р сиз бўлган, 1998 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 1 612 474,272 сўм. 37. "Белаз-7540" русумли, д/р сиз бўлган, 2004 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 71 217 427,626 сўм. 38. "ЭО-4121" русумли, д/р 26-16 ЕГ бўлган, 1986 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 13 265 718,27 сўм. 39. "ЭО-4121" русумли, д/р 16-11 ЕЦ бўлган, 1982 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 10 618 276,347 сўм. 40. "Занжирли Эксковатор ЭО-10011" русумли, д/р 13-97 ЕК бўлган, 1982 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 15 781 888,863 сўм. 41. "Кран МКП-25А" русумли, д/р сиз бўлган, 1988 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 21 590 991,792 сўм. 42. "Бульдозер Т-11,01Я1Б-1" русумли, д/р 95-81 ЕЦ бўлган, 2009 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 98 935 549,893 сўм. 43. "Бульдозер Т-130 М" русумли, д/р 38-92 НЕ бўлган, 1987 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 9 792 053,64 сўм. 44. "Бульдозер ДЗ-110 ЧТЗ-170" русумли, д/р 24-34 ЕД бўлган, 1990 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 2 065 587,156 сўм. 45. "ЭО-4111" русумли, д/р сиз бўлган, 1987 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 16 011 976,041 сўм. 46. "Экскаватор ЭО-2503" русумли, д/р сиз бўлган, 1987 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 43 910 859,447 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2017 йил 22 март соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 20 март соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

*Гувоҳнома № 001805.*

**AUTO GARANT BUSINESS MCHJ маълум қилади**

"Тошкент оқшоми" газетасининг 23.01.2017 йилдаги №15(13.348) сонида чоп этилган эълондаги Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан 14.06.2016 йилдаги 10-1604/8625-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. Бошланғич баҳоси: 27 000 000 сўм бўлган 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01870 ТТС бўлган Нексия Донс русумли автотранспорт воситаси. 2. Бошланғич баҳоси: 27 000 000 сўм бўлган 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01871 ТТС бўлган Нексия Донс русумли автотранспорт воситаси. 3. Бошланғич баҳоси: 27 000 000 сўм бўлган 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01874 ТТС бўлган Нексия Донс русумли автотранспорт воситаси, Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБнинг 2017 йил 10 февраль кунидаги № 16677/14-сонли хатига асосан аукцион савдосидан олинди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44

*Гувоҳнома 004593.*

**"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖда 2017 йил 6 февраль куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчасида жойлашган, 103-уй (асосий воситалари билан бирга) бошланғич баҳоси – 3 715 346 993 сўм, сотилиш баҳоси – 2 930 000 000 сўм.

"AUTO GOLD GRANT" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали томонидан "Тошкент оқшоми" газетасининг 31.01.2017 йилдаги 22-сонида чоп этилган эълондаги 01 931 РСА матн 01 391 РСА деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96.

**"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан,** ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2016 йил 25 майдаги 25269-72/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Обиравон кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 414,0 кв.м, қурилиш ости майдони 115,62 кв.м, биноларнинг умумий майдони 68,98 кв.м.дан иборат, яшаш хоналари сони 4 та, асосий бинолар сони 1 та, ёрдамчи бинолар сони 4 та бўлган кўчмас мулк биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 39 635 567 сўм.**

**Аукцион савдоси 2017 йил 24 март куни соат 12:00 да бўлиб ўтади**. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 22 март куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Республика Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 31-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 328,0 кв.м., фойдаланиш майдони 68,4 кв.м., 4 та яшаш хонаси, ошхона, йўлак, айвон, ҳаммом, ҳожатхона ва кладовкадан иборат, пойдевори лойдан, девори хом ғишт, поли, эшик ва дераза ромлари тахта, томи шифер бўлган бир қаватли турар жой такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 378 370 129 сўм.

**Аукцион савдолари 2017 йил 6 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн тарзида топшириш мумкин. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 3 март куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz. bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.





## Спорт янгиликлари

# ГУРУҲ БОСҚИЧИ УЧРАШУВИНИ БОШҚАРАДИ

***Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Валентин Коваленко бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи 1-туридан ўрин олган муҳим учрашувни бошқариб боради.***

Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал Вахда" жамоаси плей-офф босқичида Иорданиянинг "Ал-Веҳдат" клубини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, "D" гуруҳидан жой олди. Коваленко мазкур гуруҳнинг илк туридан ўрин олган "Ал-Райян" (Қатар) – "Ал Вахда" (БАА) беллашувига бош ҳакам этиб тайинланди. Унга қанотларда Руслан Серазитдинов ва Андрей Цапенко ёрдам беради.

Тўртинчи ҳакам вазифасини ливанлик Али Реда бажаради. Учрашув комиссари – Парк Сеонг Кьюн (Жанубий Корея), ҳакамлар назоратчиси эса Иноят Масуд (Эрон). "Ал-Райян" – "Ал Вахда" беллашуви 21 февраль куни, Доха шаҳрида бўлиб ўтади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

# БИРИНЧИ ЛИГА БАҲСЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

***Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан футбол бўйича жорий йилда уюштириладиган Ўзбекистон кубоги ва биринчи лиганинг янги мавсумига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.***

Жорий йилда биринчи лигада 18 та жамоа иштирок этадиган бўлди. Пойтахтимиз шарафини "NBU – Осиё", "Локомотив – БФК" жамоалари ҳимоя қилади. Биринчи лига жамоалари 2017 йилги мамлакат чемпионати баҳсларига 1 апрелдан киришадилар.

Ўзбекистон кубоги баҳслари 19 март кунидан старт олади. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони – "Локомотив" ҳамда кумуш медаль соҳиби – "Бунёдкор" кубок учрашувларини чорак финалдан бошлашади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Божхона

***Давлат Божхона қўмитасида журналистлар учун "Божхона органлари томонидан контрабанда ва божхона қоидабузарликларига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# КОНТРАБАНДА ТОВАРЛАРИНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Давлат Божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Миролим Миркамоловнинг маълумот беришича, товар моддий бойликлари ва контрабанда ашёларининг ноқонуний айланиши, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни фош этиш, олдини олиш, уларни келиб чиқишига олиб келувчи сабаб ва омилларни таҳлил қилиш, шунингдек мазкур йўналишдаги уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйиш борасида мақсадли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Биргина, 2016 йилда ўтказилган тадбирлар ва божхона кўрикларида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилгани натижасида 19 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 68 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган. Аниқланган 581 ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Анжуманда айтилдики, ҳуқуқбузарликларнинг 1,2 мингга яқини божхона постларида ўтказилган кўриклар натижасида аниқланган бўлса, 675 та ҳуқуқбузарлик ҳолати эса божхона экспертизалари натижасида фош қилиниб, 7,5 млрд. сўм миқдорида қўшимча божхона тўловлари ундирилган.

Божхона органлари томонидан интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, интеллектуал мулк муҳофазаси 2016 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Божхона Кодексида ҳам ўз аксини топган. Эндиликда товар белгиси билан қонунга хилоф равишда тамғаланган контрафакт товарлар импортини тўхтатиш имкони яратилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши муносабати билан тадбиркорларга яратилган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Хулоса қилиб айтганда, божхона органлари томонидан божхонага оид қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан, ноқонуний ва сифатсиз товарларнинг кириб келишининг олдини олиш ва фош этиш каби муҳим вазифаларнинг самарали бажарилиши ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари – юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# ВАТАН РАВНАҚИГА МЕНИНГ ҲИССАМ

***Олмазор тиббиёт коллежида "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан "Юртим равнақига менинг ҳиссам" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбирда сўз олган Олмазор тиббиёт коллежи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари К.Абдураҳмонова, "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилари Кенгаши раис ўринбосари З.Саъдуллаев, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси шаҳарча Кенгаши раиси К.Тошпўлатова ва бошқалар ёшларнинг олий маълумот олишга иштиёқи муттасил ўсиб бораётгани мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ватан тақдири ва ўз келажаги учун қайғуриб яшайдиган авлодни камолга етказиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар самараси эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири ёшларга берилаётган имконият ва имтиёзлар тизими самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Ўқувчи-ёшларнинг эртанги кунда ўз ҳаёт йўлларидан адашмасликлари, мутахассисликлари бўйича юксак марталабаларга эришишлари учун тинмай ўқиб, ўрганишлари муҳим. Ана шундагина гўзал юртимизнинг янада равнақ топишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

— Юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг улушини ошириш, уларнинг бўш вақтларининг унумли ўтиши ҳамда бандликни таъминлашда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси М.Эргашев. — Мамлакатимизда ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Имкониятлардан оқилона фойдаланган ёшлар мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшадилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Best realtor" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога АТБ "ASAKA"нинг 2017 йил 8 февралдаги ОН-19-20/1368-сонли буюртманомасига асосан АТБ "ASAKA"га тегишли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, КХАЙ кўчаси, 6/1-уй манзилида жойлашган, 2 хонали, умумий майдони 83,39 кв.м., турар жой майдони 46,61 кв.м. бўлган 2-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 435 319 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2017 йил 20 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилиш ва закалат пули киритилишининг охирги муддати: 2017 йил 17 март куни соат 18:00.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан АТБ "ASAKA" вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (0595)144-66-55 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва сотилиш нархини (закалат пулини ҳисобга олган ҳолда) шартнома тузилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида тўлашни амалга ошириш мажбуриятлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун буюртмалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 10-уй, тел/факс: (0595) 144-66-55. сайт: www.emulk.uz, электрон почта: bestrealtor@inbox.uz Лицензия - №RR-0225.

**"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2017 йил 31 март куни соат 11.00 да** Тошкент ш. Миробод т. Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ҳукми асосида берилган ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BE429, двигатели 60199, ўзиағдаргич, хаки рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-5511 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 30 283 200 сўм.

2. 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BE430, двигатели 60941, ўзиағдаргич тўқсариқ рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-5311 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 23 584 500 сўм.

3. 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BA712, двигатели 812046, контейнер ташувчи, пушти рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-5320 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 29 367 000 сўм.

4. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 AZ 010, двигатели 696772, контейнер ташувчи, сариқ рангли, носоз ҳолда, бўлган КамАз-55102 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 25 272 000 сўм.

Автомототранспорт воситалари сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор мавзе, 3.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир иш куни олдин соат 11.00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳри филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: +99898 308-19-57, +99898 305-11-81**

*Гувоҳнома 5477*

***Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, олдинги даврларда аҳоли ва юрт тинчлигини ҳар қандай хавф-хатардан асраш мақсадида турли хабарлардан ёки шартли сигналлардан фойдаланишган. Масалан, олдиндан яратилган баландликларда машъала ёқиш, турли рангда тутун чиқариш, дўмбира ёки карнайлар орқали чиқарилган товушлар қўшинларни маълум бир ҳаракатга чорлаган, бу эса ўз навбатида инсонларнинг ҳаётини сақлашда ва талафотларни камайтиришда муҳим ўрин тутган.***

# ФАВҚУЛОДДА АЛОҚА ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Илгари ота-боболаримиз бирор манзилга хушхабар етказмоқчи бўлса ёки қандайдир нохуш вазият тўғрисида ахборот узатмоқни ихтиёр этса, албатта, энг муҳим ва қулай алоқа воситаси сифатида чопар отлардан, ҳатто хат ташувчи кабутарлардан унумли фойдаланганликлари тарихдан маълум.

Фан ва тараққиёт ривожланиб, хабар бериш тизими замонавий техник воситалар билан такомиллашган, яъни ҳар бир хонадонга телевидение, радио, телефон ва симсиз уяли алоқа тизимлари жадал тарзда кириб келиб, ер юзининг исталган жойига, хоҳлаган вақтда хабар юбориш ёки қабул қилиб олиш имконияти яратилди.

Дарҳақиқат, алоқа ва хабар етказиш хусусида гап кетар экан, йил сайин ривож топиб бораётган бугунги алоқа ва телекоммуникация соҳаси энг дастёр тармоқлардан бирига айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, ҳаётимизнинг ҳеч бир жабҳасини глобал ахборот ва тезкор алоқасиз тасаввур этиш қийин.

Нафақат ҳарбий ҳаракатлар пайтида, балки тинчлик даврида ҳам барча тузилмалар учун алоқа ва хабар етказиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фавқулодда вазиятлар ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар чоғида тезкор хабарнинг ўрни бўлакча. Шунинг учун ҳам ФВВ ва унинг қуйи тузилмаларида бунга алоҳида эътибор кучайтирилиб, замонавий алоқа ва хабар етказиш воситалари билан таъминлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш яхши йўлга қўйилган.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, республикамизда инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқий манфаатлари ва хавфсиз турмуш тарзи энг устувор масалалардан бири экан, бунга ҳеч ким, ҳеч қачон бефарқ бўлишга ҳақли эмас. Маълумки, ҳар бир идора, корхона ёки ўқув муассасаси раҳбари – Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ҳисобланади. Бу шубҳасиз, энг масъул, асосий вазифалардан бири. Шундай экан, ҳар бир раҳбар ёки мутасадди ходим қалтис вазиятларда ўта ҳушёрлик билан муҳофаза юмушларини бошқара олишга қодир шахс бўлиши керак.

Оддий бир савол. Бирор кор-ҳол рўй бергудек бўлса, Фуқаро муҳофазаси бошлиғи биринчи навбатда ишни нимадан бошлаши керак, қўл остида ишлайдиган ишчи-хизматчилар ҳаётини ва моддий бойликларни сақлаб қолиш учун даставвал нималарга эътибор қаратиши керак, қандай чора-тадбир кўриши керак? Табиийки, кутилмаган қалтис вазиятлар чоғида алоқа ва тезкор хабар етказиш тизими жуда муҳим роль ўйнайди. Фавқулодда вазиятлар ёки бошқа нохушлик юзага келгудек бўлса, идора, корхона ёки ўқув муассасаси раҳбари муҳофаза кучларини бу хавфдан дарҳол огоҳ этишда биринчи навбатда алоқа воситасидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам қўмондон-штаб машқи бўладими, ўқув-тактик машғулот ёки бошқа муҳофаза тадбирлари бўладими алоқа воситаларининг шайлиги ҳамда унинг хабар етказа олиш сифати ва самарасига алоҳида баҳо берилади. Чунки тасодифан рўй берган ё содир этилган вазият хусусида аҳолини огоҳлантириш ва уларни воқеа жойидан хавфсиз ҳудудларга олиб ўтишда тезкор алоқадан фойдаланилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида республика аҳолисига табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда хабар бериш ҳамда аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида талай ишлар олиб борилди.

Фуқаро муҳофазаси тадбирлари, хавф-хатар ҳақида ёки унинг юз бериши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида хабар ёки ахборот беришдан бошланади.

Ўз ўрнида, 1960-1980 йилларда ишлаб чиқарилган хабар бериш воситалари ўрнига замонавий турдаги хабар бериш тизимлари яратила бошланди. Жумладан, "Чорвоқ" ва "Туябўғиз" сув омборларида, "Максам-Чирчиқ", "Фарғонаазот" кимёвий хавфли объектларда локал хабар бериш тизимлари жорий қилинди.

Бу ва бошқа шу каби тизимларнинг жорий этилиши фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими хизматлари томонидан тезкорлик билан қарорлар қабул қилиш самарадорлигини ошириш, вазирлик ва идоралар ўртасида электрон шаклда ахборот узатиш, қабул қилиш, ЯНДХ операторлари билан ўзаро алоқа алмашуви имкониятини яратиш, содир бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жараёнларини кузатиш ва назорат қилиш ҳамда ишончли маълумотларга эга бўлиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, вужудга келиш хавфи юзага келганда уларнинг оқибатларини камайтириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни бажаради.

– Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган барча корхоналардаги алоқа ва хабар бериш тизимлари ўрганиб чиқилди, – дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси алоқа ва хабар бериш бўлими бошлиғи, подполковник Иззатилла Акбаров. – Айни пайтда мавжуд камчиликлар аниқланиб, корхона раҳбарларига тегишли кўрсатма берилган.

Шундай экан, замонавий алоқа ва хабар бериш тизимларини янада такомиллаштириш ҳамда бундай зарур воситаларнинг сифати ва самарасига эътиборни кучайтириш, уларнинг хизматидан унумли фойдаланиш давр тақозосидир.

**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида* ***16 февраль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ёғингарчилик бўлади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***16 февралда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5223
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12148 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ